

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган



Аввал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.

Мазкур тарихий ташриф мобайнида икки давлат раҳбарлари тамонидан стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини

янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик доирасида янги қўшма лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш борасида мисли қўрилмаган даражада салмоқли қадамлар ташланди.

Қувонарлиси, ташриф муносабати билан бутун халқимиз, хусусан, вилоятимиз аҳли ҳаётига бевосита дахлдор бўлган янги ва истиқболли лойиҳалар рўёби юз очди.

Ўзбекистон – Россия:

ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА

Цемент ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур корхонага тамал тоши қўйилиши муносабати билан тантанали тадбир ўтказилди. Унда Россиянинг "Евроцемент груп" холдинг компанияси, "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик жамияти масъуллари, соҳа мутахассислари, қурувчилар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

ОҲАНГАРОН ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ ҲАМКОРЛИГИДА ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН БЎЛДИ



ЎЗА
Рашид ГАЛИЕВ
олган сурат

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар натижасида юртимиз сўнгги йилларда улкан қурилиш-бунёдкорлик майдонига айланиб бораётгани, янги корхона маҳсулотлари эса икки бозорнинг сифатли қурилиш маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга хизмат қилиши таъкидланди. Шунингдек, россиялик мутахассислар тамонидан мазкур корхона Марказий Осиё минтақасида энг йирик, шу билан бирга, замонавий, хусусан, ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ автоматлаштирилган, энергия тежовчи ва атроф-муҳитга салбий таъсири камлиги билан ягона бўлишига алоҳида эътибор қаратилди.

Россиянинг "Евроцемент груп" холдинг компанияси ва "Ўзқурилишматериаллари"

акциядорлик жамияти ҳамкорлигидаги мазкур лойиҳага 160 миллион доллардан ортиқ инвестиция киритилиши режалаштирилган. Бу йилига 3 миллион тонна маҳсулот ишлаб чиқариш имконини яратади. Маъмура 20 ойга етмасдан фойдаланишга топширилади.

Таъкидлаш жоизки, мазкур лойиҳа "Оҳангаронцемент" АЖ ишлаб чиқариш майдонидан россиялик ишбилармонлар тамонидан ташкил этилаётган қурилиш материаллари ишлаб чиқариш кластерининг бош бўғини бўлиб, лойиҳа доирасидаги иккинчи корхона ҳисобланади. Биринчи корхона – ўтга чидамли гишт ишлаб чиқариш мажмуаси ўтган йили барпо этилган.

ЎЗА

Рашид ГАЛИЕВ
олган сурат

Халқ депутатлари Ангрен шаҳар кенгашининг сессияси

Халқ депутатлари Ангрен шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала қўрилди.

Танқидий-таҳлилий руҳда ўтган сессияда 2017 йил июль ойидан буён шаҳар ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Ҳакимжон Абдулазизов ишда йўл қўйган хато ва камчиликлари учун ўз вазифасидан озод қилинди.

Депутатлар Махмудов Шуқрулла Насимхоновични Ангрен шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқлашди.

Сессияда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ. Ҳамдамов сўзга чиқди.

Тошкент вилояти ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни-нинг 2-моддасига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ҳокими Ҳакимжон Мамасадыхович Абдулазизов 2018 йил 17 октябрдан эгалаб турган лавозимидан озод этилсин.

Ушбу қарор Халқ депутатлари Ангрен шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

Вилоят ҳокими **Ғ. ИБРАГИМОВ**
2018 йил 17 октябрь

Тошкент вилояти ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни-нинг 2-моддасига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

Шуқрулла Насимхонович Махмудов Ангрен шаҳар ҳокими этиб 2018 йил 18 октябрдан тайинлансин.

Ушбу қарор Халқ депутатлари Ангрен шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

Вилоят ҳокими **Ғ. ИБРАГИМОВ**
2018 йил 18 октябрь

ТАТАРИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ҚАТОР ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Татаристон Республикаси Президенти Рустам Миннихонов бошчилигидаги делегация 18 октябрь куни мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган татар миллий маданий марказлари фаоллари билан учрашди.



Ўзбекистон Республикаси Базирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасида ўтказилган учрашувда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги фаол маданий-гуманитар ҳамкорлик самарасида халқларимизнинг дўстона муносабатлари мустаҳкамланиб бораётгани, турли соҳаларда ўзаро ҳамкорликка йўл очилаётгани таъкидланди.


Бугунги кунда мамлакатимизда татар миллатига мансуб 240 мингга яқин, Татаристонда ўзбек миллатига мансуб 120 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда. Тадбир доирасида Татарис-

тон Республикаси ва Тошкент вилояти ўртасида ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган 40 дан ортиқ келишув имзоланди.

Татаристон Президенти татар миллий маданий марказлари фаолларига эсдалик совғалари топширди.

Ўзбек ва татар халқлари ўртасидаги ақинлиқни мустаҳкамлаш мақсадида турли тадбирларни ўтказишга оид фикр-мулоҳазалар билдирилди.

А. МУСАЕВ,
ЎЗА мухбири
Равшан МИРЗАКУЛОВ
олган сурат



Бугун қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар юқори ҳосилдорликка эришиш, дастурхонимиз ва бозорларимиз тўқинлигини таъминлашга хизмат қилаётди.

ИШОНЧНИ, АЛБАТТА, ОҚЛАЙМАН!

Соҳага инновацион технологияларни янада кенг жалб этиш, фермер хўжаликлари тармоқларини кенгайтириш борасидаги амалий саъй-ҳаракатлар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда юксак самаралар бермоқда. Қишлоқ хўжалиги мулкдорлари сафида ишга бугунги кун талаби нуқтаи назари билан ёндашадиган, изланувчан ва шижоатли ёшлар қўлайиб бораётгани янада қувонарлидир.

Ўрта Чирчиқ туманидаги "Абдували Мухриддин агро" фермер хўжалиги раҳбари Мухриддин Абдувалиев ана шундай ёшлардан. Эндигина 21 ёшни қаршилаган фермер ЎЗА мухбирига қўйидагиларни сўзлаб берди:

– Хўжалигимиз 3 йил аввал иш бошлаган, – дейди ёш фермер, – 65 гектар ернинг аксарият

қисми ажриқ босган, нотекислиги сабаб сув қўллаши ҳисобига ҳосилдорлиги камайган ерлар эди. Фаолиятимизнинг дастлабки йилида айни шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиб, ернинг нормал ҳолатини тиклашга киришдик. Тўғри, осон бўлмади. Аммо, қанча меҳнат талаб этилмасин, ерларни текислаб, ажриқдан тозалادик. Маҳаллий ва қўшмача озиқлар билан ернинг балл бонитетини оширдик.

Айнан шу ишимиз хўжалигимиз муваффақиятининг тамал тоши бўлди, десам, муболага бўлмайди. Боиси, биласиз, хўжалик муваффақият қозониши учун даромад келтирувчи тармоқларни кенгайтириши, фаолиятини инновацион технологияларни жалб этиши зарур. Ушбу талаб ўз-ўзидан маблагга, маблаг

юқори ҳосилдорликка, юқори ҳосилдорлик эса ернинг нормал ҳолати ва, албатта, самарали меҳнатга таянади. Бунинг уддасидан чиққан деҳқон борки, "кетмони учаверади".

Деҳқончилик учун бир мунча мураккаб келган жорий мавсумдан мисол. 32 гектарда бугдой парваришлаб, 65 центнердан ошириб ҳосил олдик. Давлатга режадаги 97 тонна ўрнига, 102 тонна бугдой топширдик. Қолгани оғиримиз ва хўжалик аъзоларининг уйини донга тўлдирди. Биргина галланинг даромадидан 144 миллион сўмга Франциянинг "Khun" фирмасидан чигит ва дон экишга ихтисослашган мослама харид қилдик.

Давоми 2-бетда ►►

21 октябрь – Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун ҚАЛБ КЎЗГУСИ

Ҳазрат Низомиддин Мир Алишер Навоий тилдан унумли фойдаланиш ҳақида шундай дейдилар: "Тил – уммон, сўзловчи – гаввос, тилдаги сўзлар эса уммон қаъридаги дуру инжулардир." Дарҳақиқат, уммон қаъридаги дуру инжуларни териш гаввоснинг тажрибасига боғлиқ бўлса, тилдаги сўزلардан тўғри, унумли фойдаланиш, нутқ равлонили инсоннинг китоб билан ошно эканлиги, маданиятининг юксаклигига боғлиқ.

Инсон учун тил улуг ва бебаҳо неъмат ҳисобланади. Албатта, тил доимий ривожланишдаги ҳодиса. Ўзбек тилимиз ҳам шу кунга қадар не замонларни босиб ўтмади, дей-

Тилга эътибор – элга эътибор, деб бежиз айтилмаган. Тилимизга қанчалик эътиборли бўлсак, у шунча гўзаллашиб бораверади.

сиз. Аммо, тил ҳар доим химояга муҳтож бўлиб келган.

Сизнингча, биз ўзбек тилини ажодларимиз каби химоя қилаймизми? Бунинг нақадар долзарб масала эканини ҳис қилаймизми? Афсуски, савол бундай қўйилганда ижобий жавоб беришга ийманамиз.

Сўнгги пайтларда тилни химоя қилиш ўрнига уни писанд этмаслик йўлидан борову-чи ёшлар қўлайиб кетган. Қўчаларга илинган баъзи рекламалар, ёзилган панноларга қараб, ҳайрон қолади киши.

Давоми 2-бетда ►►



моқда. Ушбу жараён ўз-ўзидан малакали кадрларга эҳтиёжни пайдо қилаётди. Шу боис, вилоятда сановат тармоқлари учун малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг 2018 йил 11 майдаги "Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси "Миллий технологик тадқиқотлар университети "МИСиС"нинг Олмалиқ шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётди.

Давоми 2-бетда ►►

Маҳаллий кенгашларда

Янгийўл туманида жорий йил куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш юзасидан белгиланган вазибаларнинг 24 фойизи бажарилмаган. Бу борадаги ишлар, аynиқса, 3-секторда 36 фойиз, 4-секторда 35 фойизга ортда қолаётир.

турига мувофиқ, 607 иш ўрни яратилиб, бу борадаги режа 4,3 фойиз ортиги билан бажарилган. Халқ депутатлари Янгийўл тумани Кенгашининг тумани комплекс

ги сессиясида шу ҳақда маълум қилинди. Бу ҳақда ЎзА хабар бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашлари депутатлари, давлат ва жамоат ташкилот-

борилган ўрганиш натижалари ҳам муҳокама қилинди. Сессияда қайд этилишича, туманининг реал ижтимоий-иқтисодий ҳолати билан яқиндан танишиш, мавжуд муаммоларни бартараф этишга қўмаклашиш мақсадида республика ишчи гу-

ланиб, уларнинг 4 минг 700 дан ортиғи жойида бартараф этилган. Ишчи гуруҳ томонидан, шунингдек, туманда 391 бўй-бино, қурилиши тугалланмаган объект ва фойдаланилмаётган ер майдонлари мавжудлиги аниқланган. Сессия кун тартибидagi масалаларни ҳал этиш, қўтарилган муаммоларга тўлиқ барҳам бериш, ижроси юзасидан парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини таъминлаш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шу кунги Халқ депутатлари Куйи Чирчиқ тумани кенгашининг ҳам аynи шу масалаларга бағишланган навбатдаги сессияси бўлиб ўтди.

21 октябрь – Ўзбек тилига
Давлат тили мақоми берилган кун

ҚАЛБ КЎЗГУСИ

Дўкон пешлав-ҳаларидаги ёзувларда ҳам хатоликларнинг гувоҳи бўлмоқда. Бу нақадар ёқимсиз манзара. Пешлав-ҳалардаги имловий хатолар, кўшимчаларнинг нотўғри ишлатилиши, тилимиз



кўрki бўлмиш мақолларни бузиб қўллашимиз тилимизга ҳурматсизлик ва бепишандликдан далolatдир. Давлат тилининг софлиги, жозибасини асраш, тил имкониятларидан оқилона фойдаланиш нафақат тил-

мақоми берилган ва бу Ўзбекистонимизнинг ўз мустақил тараққиёт йўлини белгилаб олишдаги ilk қадамлардан бўлган эди.

Зеро, тил – миллат руҳи. Миллатнинг маданияти, маънавияти ва тарихи инъикосидир. Ўзлигини, яшаб қолишини белгилаб берадиган муҳим мезонлардан бири.

Бугунги глобаллашув даври тилга эътиборни бир баҳяга ҳам сўсайтирмасликни, уни ёт унсурулардан имкон қадар асрамоқни талаб қилади.

шунослар, соҳа вакиллари, балки ўзини шу юрт фарзанди деб билган ҳар қайси кишининг бурчи.

Она тили ҳар бир инсон учун муқаддас тушунча. Инсон ҳар доим тил билан яшайди, мулоқот қилади. Маънавий ва маърифий ҳаёт уйғунлигига чорловчи асарлар, илмий ва маданий мерослар инсониятни баркамолликка, яқдилликка ва олижанобликка ундайди. Шунинг учун ҳам тилга эътиборли бўлиб, маъсулият ва муҳаббат билан ёндашиш шарт.

Бундан 29 йил муқаддам ўзбек тилига Давлат тили

қаторида турувчи она тилимиз ўз ўрнини топиши, кадр-қиммати юксалиши учун ҳар биримиз масъулдирми. Барчамиз тил ҳақидаги қонунга риоя этайлик, унга муносабатимизни ўзгартирайлик. Дунё сиёсий харитасида Ўзбекистон деган давлат битта бўлгани каби, ўзбек тилининг Ватани ҳам битта! Бинобарин, уни асраш, бойитиш, келгуси авлодларга безавол етказиш сизу бизнинг зиммасида.

Ирода
МУҲАММАДЗИЗОВА,
Республика "Маънавият ва маърифат" маркази вилоят бўлими бош мутахассиси

4 минг 700 дан Ортиқ муаммо ҳал этилди

Туманда кўп қаватли уйларни таъмирлаш учун кредит ҳисобида ажратилиши белгиланган 5 миллиард 656 миллион сўм маблағнинг 19 фойизи ҳануз молиялаштирилмаган. Аҳоли бандлигига қўмаклашиш давлат дас-

ривожлантириш, аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича вазибалар ижроси юзасидан парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини таъминлаш масалаларига бағишланган навбатда-

лари раҳбарлари, туман сектор раҳбарлари, фаоллар иштирок этган сессияда Республика ишчи гуруҳи томонидан туманининг ижтимоий-иқтисодий аҳоли, аҳолини қийнаб келаётган муаммолар бўйича олиб

руҳи томонидан аҳоли билан очик мулоқотлар ўтказилган. Таълим, тиббиёт, бандлик, қиш-куз мавсумига тайёргарликнинг реал ҳолати ўрганилган. Ўрганишлар натижасида қарийб 27 минг 800 муаммо аниқ-

ОЛМАЛИҚДА УНИВЕРСИТЕТ ФИЛИАЛИ ИШ БОШЛАДИ

— Оҳангарон воҳасида улкан қазилма бойликлари захираси мавжуд, — дейди МИСиСнинг Олмалик шаҳридаги филиали директори Ф. Умаров. — Уларни тадқиқ этиш, ўзлаштириш учун малакали кончи мутахассислар зарур. Тўғри, бу борада ҳар йили МИСиСга мамлакатимиздан 40 га яқин ёшлар ўқишга юборилади. Лекин, бу қўзланган мақсадга эришиш учун кам. Шу маънода, мазкур филиал фаолияти йўлга қўйилгани мамлакатимиз тоғ-кон соҳасини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

МИСиС Олмалик филиалида кончилик иши, металлургия, технологик жараёнлар, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш йўналишлари ташкил этилди.

ўқув жараёнига танлов асосида юртимизнинг тажрибали мутахассислари жалб этилди. Келгуси ўқув йилидан бошлаб таълим жараёнига Россия ва хориждаги етакчи олий ўқув юртидан тажрибали ўқитувчилар ҳам жалб этилиши режалаштирилмоқда.

2018-2019 ўқув йилида таълим муассасасига 150 йигит-қиз ўқишга қабул қилиниб, уларнинг пухта билим эгаллаши учун



барча шароит яратилган. Жумладан, 1 минг 200 ўринга мўлжалланган замонавий бино, қарийб 150 ўринли ётоқхона, замонавий жиҳозланган компьютер ва лаборатория хоналари, спорт майдони ва ошхона талабалар ихтиёрида.

ЎзА

Рашид ГАЛИЕВ
олган суратлар

Бошланғич 1-бетда

ТЎҒРИ ТУШУНЧА,
ТЎҒРИ ЙЎЛ

Зангиота туманидаги 43-умумтаълим мактабида "Темир йўл ҳудудида огоҳ бўлсин, ўқувчи!" шиори остида тарғибот тадбири ташкил этилди.

Огоҳлик — давр талаби

Унда "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти Тошкент минтақавий темир йўл узели Ўртаовул станцияси, шунингдек, вилоят ички ишлар бошқармасининг транспорт бўлими ходимлари, маҳалла фаоллари ҳамда мактаб ўқувчилари иштирок этди.

Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида воёга етмаганлар томонидан темир йўл тўсиқларини синдириш, поезд деразаларига тош отиш каби темир йўл инфратузилмасига зарар етказувчи

жами 51 та қондабузарлик ҳолати қайд этилган. Уларнинг аксари яти болалар томонидан содир этилгани туфайли мактабларда тегишли тарғибот ишларини олиб бориш ниятда зарур.

Тадбир давомида мутахассислар ёшларни хавфсизлик қондаларидан огоҳ эттишди. Ота-она ва таълим муассасалари ҳамкорлигини қучайтириш ижобий самаридан темир йўл тўсиқларини синдириш, поезд деразаларига тош отиш каби темир йўл инфратузилмасига зарар етказувчи

Фаррух МУХИНОВ

зидди. Тадбирда ушбу тоқзорлар майдонини 20,0 минг гектарга етказиш мақсадида 2018-2023 йиллар давомида қўшимча 17,0 минг гектар саноатбон тоқзорлар барпо этилиши ва шу билан бирга 3 минг 200 та янги иш ўринлари яратиш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этиш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида

дорлик жамияти томонидан соҳага илғор инновацион ишланмаларни жорий этиш мақсадида республикамизнинг бир қатор илмий тадқиқот институтлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бунга республикада узумнинг тоза, совуқ ҳароратга, турли касаллик ва ҳашаротларга чидамли ҳамда юқори ҳосилли навларини яратиш мақсадида Ўзбекистон Геномика ва биоинформатика институти олимлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишларни мисол қилиб келтириш мумкин. Шунингдек, академик Махмуд Мирзаев номидagi бoғдорчилик, узумчилик ва виночилик институти билан узум навларини худудларда маҳаллийлаштириш ҳамда "Ўсимлик-шунослик" институти ҳамкорлигида Ўзбекистон Миллий олтин генофонди коллекциясини ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда.

Матбуот анжуманида иштирокчилар мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

Юлдузхон МУХИДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири



батафсил маълумот берилди.

Хусусан, жорий йил куз мавсумининг ўзида "Ўшаробсаноат" акциядорлик жамияти таркибидаги 24 та корхона томонидан 2,5 минг гектар янги саноатбон тоқзорлар барпо этиш бўйича тизимли ишлар бошлангани айтиб ўтилди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 25,0 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Таъкидлаш керакки, "Ўшаробсаноат" акция-

моқда. Хусусан, "Ўшаробсаноат" акциядорлик жамияти ва "Ўздаверлоиҳа" лойиҳалаштириш институти билан шартнома асосида республикада мавжуд тоқзорлар майдони хатловдан ўтказилди. Хатлов натижаларига асосан, республикамизнинг барча худуд-

ларида 73,3 минг гектар майдонда тоқзорлар мавжудлиги аниқланди. Бундан ташқари, "Ўшаробсаноат" акциядорлик жамияти бошчилигида республика Ишчи гуруҳи ташкил этилиб, саноатбон тоқзорлар майдони ўрганилди. Натижада, мамлакатимиз худудларида 11,5 минг гектар саноатбон тоқзорлар мавжудлиги аниқланиб, уларнинг худудлар кесимида ампе-

лографик хариталари ту-

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 февралдаги "Виночилик соҳаси-

Қарор ва ижро

Миллий матбуот марказида "Ўшаробсаноат" акциядорлик жамияти томонидан мамлакатимизда виночилик соҳасини ривожлантириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

УЗУМЧИЛИКДА
ИННОВАЦИОН
ЁНДАШУВЛАР

ни ва алкоғолли маҳсулотларни реализация қилишнинг тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар ва акциядорлик жамияти олдида турган долзарб масалалар ечим ҳақида сўз борди.

Анжуманда таъкидланганидек, бугунги кунда мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан изчил ишлар олиб борил-

Давлат дастури — амалда

САФИМИЗНИ ТЎЛДИРИНГ, ЁШЛАР!

Тошкент давлат аграр университетиди О'zLiDeP вилоят кенгаши ёшлар билан ишлаш бўлими ва тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш республика маркази билан ҳамкорликда "Yoshlar - kelajagimiz" Давлат дастури доирасида йигит-қизларни тадбиркорликка кенг йўналтириш бўйича махсус ўқув курси ташкил этилди.

Унда партия фаоллари, "Ёшлар қаноти" аъзолари, Савдо-саноат палатаси вакиллари, университет талаба-ёшлари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Тадбирда таъкидланганидек, бугунги кунда тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш республика маркази томонидан 8 минг 685 нафар тадбиркорлик субъекти вакили ва аҳоли бепул ўқитилиб, уларнинг 7 минг 263 нафари сертификатлар билан тақдирланди. Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, тингловчилардан 768 нафари тадбиркорлик фаолиятини янгидан бошлаган бўлса, 331 нафари фаолиятини янада кенгайтирган. Ушбу мақсадларда банклардан кредит маблағлари олинган. Бунинг на-

тижасида, 1 минг 466 та янги иш ўринлари яратилгани ҳақида маълум қилинди.

Шунингдек, мулоқот давомида соҳа мутахассислари томонидан бугунги кунда ёшлар, аёллар ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасида давлатимиз томонидан яратиб берилаётган имконият ва имтиёزلардан унумли фойдаланиш бўйича маслаҳат ва тавсиялар берилди.

Бекобод шаҳридаги энгил саноат ва хизмат кўрсатиш касбхона коллежида ҳам О'zLiDeP шаҳар кенгаши, партия депутатлик гуруҳи аъзолари ҳамда фаол тадбиркорлар билан ҳамкорликда "Сен ҳам фаол ёшлар сафидасан!" лойиҳаси доирасида

"Сизни ҳам ўз сафимизга қорлаймиз" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда партия шаҳар кенгаши ходимлари, депутатлик гуруҳи, "Ёшлар қаноти" аъзолари, фаоллар, тадбиркорлар ва ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, "Yoshlar - kelajagimiz" Давлат дастурида ёшлар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни бизнес билан шуғулланишга фаол жалб этиш учун шарт-шароитлар ва иш ўринлари яратиш, ёшлар орасида тадбиркорлик қўнимчаларини шакллантириш, ўз бизнесларини йўлга қўйишлариға қўмаклашиш тўғрисида сўз юритилди.

Шунингдек, кўрик-танлов ва лойиҳаларда фаол қатнашаётган ёшлар рағбатлантирилди. Яқунда партиянинг асосий мақсад ва вазибалари, депутатлар фаолияти, қонун чиқариш жараёнлари борасида савол-жавоблар ўтказилди.

Д. ТУСУНОВА

Чирчиқ давлат педагогика институтида "Исломда экстремизм ва терроризмга ўрин йўқ!" мавзусига бағишланган маърифий учрашув ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмида ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари, диний уламо-лар, олимлар, профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирок этишди.

Тадбирда тинчликнинг қадрига етиш, экстремизм ва терроризмга қарши иммунитетни шакллантириш ҳамда диний-экстремистик оқимларнинг давлат ҳамда жамиятга соладиган таҳдиди ҳақида сўз борди. Шунингдек, соҳанинг етакчи мутахассислари томонидан диний экстремистик оқимлар, терроризм, миссионерлик иллатлари ва уларнинг оқибатлари ҳаётий мисоллар орқали ёритиб берилди.

Қайси юрда тинчлик, осойишталик ҳукм сурса, ўша ерда инсонлар бахтли ҳаёт кечириди, — дейди институтининг маънавий-маърифий ишлар бўлими бошлиғи Алишер Нарманов. — Бугунги тинч-осойишта ўтаётган

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ



ҳаётимизга "оммавий маданият" нуқоби остида кириб келаётган турли ёт ғоялар, қарашлар ва менталитетимизга мос келмай-диган одатлар ёшлар онгини заҳарлаши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ёшларга нима тўғри, нима хато эканлигини тушунириб беришимизда бундай маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари муҳим аҳамият касб этади.


Учрашувда таълим муассасаларида ёшларни хориждан кириб келаётган таҳдидлардан ҳимоя қилиш, уларда юрт равнақиға дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш юзасидан олиб борилаётган ишлар, диний экстремизм мафкура-си тарқалишининг олдини олиш, ақидапарастлик ғояларини фoш

этиш бўйича ишларни янада такомиллаштириш хусусида фикр юритилди.

Шунингдек, тадбирда "Тинчлик учун курашмоқ керак" мавзусида фильм намойиш этилди. Маърифий учрашувда "Ўзбекистон ёшлари бугунчи ғояларига қарши" ҳафталиги доирасида "Энг яхши плакат", "Энг яхши сурат" ва ҳештеглар танлови иштирокчиларининг ижодий ишлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Кўргазмада талаба-ёшлар мавзуга доир ижодий ишлари билан қатнашишди.

Ғолиблар институти ректорининг махсус диплом ва фахрий ёриқлари билан тақдирланишди.
Салим АБДУҚОДИРОВ

Эшитмадим, деманглар!



октябрь куни соат 9.00 да Чирчиқ шахридаги Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университети манежидида ўтказилади ҳамда иштирокчиларнинг махсулотлари ярмаркаси ташкил қилинади.

Кўрик-танловда шаҳар ва туманларда ғолибликни қўлга киритган 100 дан ортиқ иштирокчилар қуйидаги номинациялар бўйича беллашади:

"Саноат соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори";
"Хизмат кўрсатиш соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори";

"Йилнинг энг яхши ёш тадбиркори";
"Йилнинг энг яхши фермери";
"Йилнинг энг яхши ҳунарманди".

Шунингдек, кўрик-танловга "Энг яхши тадбиркор аёл", "Энг яхши инновацион лойиҳа", "Ешларга энг кўп иш ўрни яратган тадбиркор", "Энг яхши оилавий бизнес соҳиб", "Энг яхши экспортчи", "Йилнинг энг яхши маҳсулоти", "Энг масъулиятли ижтимоий шерик" каби қўшимча номинациялар ҳам киритилган.

Кўрик-танлов иштирокчилари махсулотлари кўргазмасига вилоятимизнинг тадбиркорлари, фермерлари ҳамда ҳунармандларини, кенг жамоатчилик вакиллари ташкил қиламиз.

Ташкилий қўмита

Айтиш кераки, Чирчиқ давлат педагогика институтидида назарий ва амалий машғулотлар билан биргаликда, талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, аудиториядан ташқаридаги мустақил таълимда профессор-ўқитувчилар иштирок этмайди. Яъни, талабаларнинг ўзлари замонавий адабиёт ва интернет сайтлари орқали берилган топшириқлар бўйича конспект, реферат, презентация, эссе ёзиш ишланмалар тайёр-

йўналишларида ўқиётган талабалар шу анъанани яхши йўлга қўйганлар.

– Институтимизда мустақил таълимни ташкил қилиш учун замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш жорий этилган, – дейди Чирчиқ давлат педагогика институти Анж ва табиий фанлар факультети декани Икром Тожиев. – Ҳозирда компьютер тармоғига электрон таълим ўрнатилган бўлиб, гуруҳлар ҳамда фанлар кесимидида маъруза, амалий машғулот, лаборатория

Ҳаётда кимнидир кўр-кўрона айбашдан осон иш йўқ. Лекин, суд-ҳуқуқ тизимида фуқарони айбаш жуда жиддий масала. Буни соҳанинг ичида юрган одамлар яхши тушунади. Айбанаётган шахснинг хатти-ҳаракатларида жиноят таркиби бор ёки йўқлигини синчиклаб текширмасдан юзаки тахминларга таяниб, уни жиноий жавобгарликка тортишдан ёмони йўқ. Агар шундай адолатсизлик тадбиркорга нисбатан қилинган бўлса-чи? Бу ҳолат, табиийки, бугун тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, ҳимоялаш йўлида амалга оширилаётган ишлар, кўриллаётган чораларга нисбатан одамларда ишонсизлик кайфиятини уйғотди...

Яқинда жиноят ишлари бўйича Паркент тумани судида навбатдаги оқлов ҳукми чиқарилди. Маълум бўлишича, судланувчи Ҳасан Маҳмамов Бекобод шахрида қонуний рўйхатдан ўтиб, яқна тартибда тадбиркорлик билан шуғулланган.

Унинг дўконидида 2016 йил 8 июнь кунин Бекобод шаҳар Давлат солиқ инспекцияси томонидан текширув ўтказилади. Текшириш жараёнида дўконда истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказадиган товарлар, аниқроғи, беш турдаги салқин ичимликлар борлиги аниқланади.

Текширувчилар уларни олиб кетилаётганида тадбиркорга тузилган далолатномага имзо қўйиб беришни талаб қилишди. У эса текшириш аввалида "назорат харида" амалга оширилмагани ва ҳеч қандай махсулот сотмагани тўғрисида далолатномага ёзиб қўяди. Текширувчилар негадир тадбиркорга фақатгина ДСИ ходими С.Ш.дан ташқари бошқа ҳеч қандай имзоси бўлмаган далолатнома беришди.

Бекобод шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази 2016 йил 20 июнь кунин Ҳасан Маҳмамовдан ашёвий далил сифатида олинган яроқлилик мuddати ўтган 5 турдаги яқна ичимликка нисбатан "Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги

Қонуннинг 14-моддасига асосан, истеъмолга яроқсиз, деган хулоса беради. Шундан сўнг тадбиркорга нисбатан Жиноят кодексининг 186-моддаси 1-қисмига мувофиқ иш қўзғатилади.

Жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар суди унга нис-

Жиноят ҳақиқати ва адолат

ТАДБИРКОР... НЕГА ОҚЛАНДИ?

Тўғрироғи, у нега жазоланган эди?

батан олти ой ахлоқ тузатиш ишлари тайинлаш тўғрисида ҳукм чиқаради.

Бу ҳукмдан норози бўлган тадбиркор адолат истаб, кассация инстанцияси судига шикоят ёзди. Мазкур кассация инстанция судининг 2017 йил 4 июлдаги ахиримига қўра, иш Паркент тумани судига синчиқовлик билан, ҳар томонлама ҳолисона ўрганиб чиқиш учун юборилди.

Суд мажлисларида судланувчи ҳамда гувоҳларнинг кўрсатмалари, жиноят иши ҳужжатлари ҳар томонлама ўрганиб чиқилди. Жиноят ишлари бўйича Паркент тумани суди Ҳасан Маҳмамовни жиноят содир этишида ақбиз деб ҳисоблаб, реабилитация қилишни лозим топди.

Аниқроғи, суд тадбиркорнинг айбилик масаласини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан асоссиз айбланганини аниқлади.

Масалан, Бекобод шаҳар ДСЭМН бош врач Ш. Тожиев томонидан имзоланган хулосада 5 турдаги яқна ичимликлар истеъмолга яроқсиз ҳисобланиб, реализация қилиш таъқиқлангани кўрсатилган бўлса-да, аммо уларнинг ҳақиқатда истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказадиган талабларга жавоб бермаслиги ўз ифодасини топмаган.

Бундан ташқари, "Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва

лар ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли бўлиб қолиши мумкин", дейилган.

Демак, қонуннинг мазмунига қўра, озиқ-овқат маҳсулотининг яроқлилик мuddати ўтиши одамлар ҳаёти ва соғлиғи учун ҳақиқий хавф туғдиришини аниқлатмайди. Ушбу масалага эса судга оид кимёвий экспертиза ўтказиш билан ойдинлик киритиш лозим.

Бекобод шаҳар давлат сани-



тария-эпидемиология назорати маркази лабораториясида таҳлилларни ўтказиш учун техник база етарли бўлса-да, негадир ушбу яқна ичимликлар кимёвий экспертизадан ўтказилмаган.

Ҳолбуки, Жиноят процессуал кодексининг 173-моддаси 2-қисмида "Иш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлашда ҳам, агар бунинг учун махсус билимларни қўллаш зарур бўлса ва бу ҳолатлар исботлашнинг бошқа воситалари билан пухта аниқланмаган бўлса, экспертиза ўтказилиши шарт", деб қўрсатилган.

Бордию, тегишли экспертиза хулосаси билан махсулот таркибида одамлар ҳаёти ва саломатлиги учун реал хавф туғдирадиган элементлар ёки за-

ҳарли моддалар аниқланганида эди, Ҳасан Маҳмамовни айбаш асосли бўларди.

Афсуски, дастлабки тергов органи томонидан бундай ҳаракатлар амалга оширилмаган. Бундан ташқари, бу бўйича далилий ашё деб эътироф этилган ҳамда "Бекободўштутсавдо" МЧЖ омборхонасига вақтинчалик сақлаш учун топширилган қўймаги 12 миллион 42 минг 500 сўмлик 5 турдаги яроқлилик мuddати ўтган салқин ичимликлар Бекобод шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан 2017 йилнинг 15 март санасида йўқ қилиб юборилган ва ҳозирги кунда ушбу ҳаракатларни амалга оширишнинг имкони йўқ.

Суд муҳокамалари якунида тадбиркорнинг севинч ёшларини кўриб қўнғилимиздан ҳақли саволлар ўтди: нега дастлабки тергов органи Ҳасан Маҳмамовни исботсиз далиллар билан ноҳақ айблади? Бунинг асл сабабини билмадик-ку, лекин асоссиз айблов туфайли у салкам икки йил вақтини сарсон-саргардонликда ўтказгани одамларда суд-ҳуқуқ тизимига ишонсизлик туғдирмайдими?

Президентиимизнинг тадбиркорлик фаолиятига қатта эътибор қаратаётгани бежиз эмас. Бунинг замирида иқтисодий ўсиш, пировардида халқимиз даромадларини оширишдек эзгу мақсадлар мужассам. Шундай экан, тадбиркорга нисбатан асоссиз жиноий иш очиб, сарсон қилишда нафақат бир шахс, балки у иш билан таъминлаган фуқароларга ҳам бир қанча муаммолар туғилишини ҳеч қачон унутмаслик керак.

Толибжон ХАЙДАРОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Паркент тумани суди раиси,
Абдусалим МАҲМУДОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИдарс ва машғулотлар
самарадорлигини таъминламоқда

Психологларнинг фикрига қўра, талаба маълумотларни маъруза тинглаш давомида 10 фоиз, китоб ўқиганда 15 фоиз, нимадир намоёниш этилганда 25 фоиз, баҳс-мунозараларда 50 фоиз, амалда ўзи бажариши орқали 70 фоиз ҳамда ўзаро бир-бирига бирон нарса ўргатиш орқали эса, 90-100 фоизгача ёдда сақлаб қолар экан. Олий таълим тизимида юқорида саналганларнинг маълум бир қисмидан фойдаланилади, холос.

лайдилар. Ҳар бир фан мавзулари кесимида тайёрланган ишлар ўз мuddатида профессор-ўқитувчиларга баҳолаш учун етказилади.

Яна бир шакл – талаба орқали бошқа бир талабага ўргатиш технологияси. Бунда улар ўз билимларини бир-бирлари билан ўртоқлашади. Бу технология 2017-2018 ўқув йилида математика, кимё, биология, география, физика ва астрономия ўқитиш методикаси таълим йўналишлари талабалари ўртасида кенг қўлланилди. Устоз-шогирд аёнанаида эса, улар ўзларига "устоз" танлаган ҳолда, дарсдан бўш вақтларида мустақил ишларни тайёрлайдилар. Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси, мусиқа каби таълим

ва семинарлар, шунингдек, мустақил топшириқлар жойлаштириб борилади. Бу эса, ўз навбатида, талабаларнинг институт ҳудудида локал тармок, интернет орқали ушбу маълумотлардан фойдаланишларида кўпгина қулайликларни яратди.

Энг муҳими, уларнинг дарсларга тайёргарлигини баҳолашда инсон фактори аралашмайди.

Чирчиқ давлат педагогика институтидида йўлга қўйилган бу тизим таълим бериш сифати янада ошишига, олийгоҳда таҳсил олаётган талабаларнинг мустақил таълим олишларида дунёнинг етакчи университетларидидаги очик онлайн курслардан фойдаланишлари ҳамин яратди.

Ширинхон МҲМИНОВА

Ижтимоий эълон

2018 йил 2 ноябрь кунин соат 12.00 да Охангарон тумани ҳокимлиги биносида кичик саноат зонаси таркибига киритилган Охангарон тумани, "Эй-валек" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидидаги собиқ машина ва трактор паркига қарашли бино ва иншоотлар ер майдонларида тадбиркорлик субъектларини ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун жойлаштириш бўйича танлов бўлиб ўтди. Ишлаб чиқариш ер майдони 2,56 гектарни, бино-иншоотлар ўрни эса 3 минг 685 кв.м.ни ташкил этади.

Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг ваколатли вакили шахсан ёхуд почта орқали танлов тўғрисидаги хабарномада

белгиланган мuddатда қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртма таҳдим этиши мумкин:

- танловда қатнашиш истаги билдирилган ариза;
- нодавлат юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
- ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;
- танлов таклифи.

Пайшанба профилактикаси

Бугун вилоятимизда кенг жамоатчиликнинг диққат-эътибори аҳоли тинчлиги ва оёсийшталлигини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, бундай ҳолатларни кескин камайтиришга қаратилган.

Эътиборлиси, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг вазифасига бўлган масъулияти, садоқати одамларимизда ишонч ҳиссини уйғотмоқда. Шунинг-

дек, фуқароларни ён-атрофда содир бўлаётган ҳодисаларга бефарқ бўлмасликка, қонунбузарликларни жамоатчилик назорати асосида бартараф этишга ундамоқда.

Қуйида вилоят ички ишлар органлари ходимлари олиб бораётган тезкор сатъ-ҳаракатлар натижасида фош этилган жиноятлар ҳақида ўқишингиз мумкин.

Ўрганган кўнгил...

Бир оз аввал Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилган зангиоталик Назар Расулов (исм-шарифлар ўзгартирилган) қайта жиноят содир этди.



Ўзингга эҳтиёт бўл...

2018 йил 30 сентябрга ўтар кечаси номаълум шахслар Чиноз тумани "Беш қапа" маҳалласида яшовчи фуқаро Ж. М.нинг уйига кириб, унинг турмуш ўртоғи М. М.га тегишли, умумий қиймати 3 миллион 125 минг сўм бўлган заргарлик буюмларини ўғирлаб кетди.

Олиб борилган тезкор суриштирув ишлари давомида ушбу жиноятни Чиноз туманида яшовчи, 1983 йилда туғилган, жабрланувчининг қўшниси Д. Р. содир этгани аниқланган. Жиноятчининг ёнидан топилган икки донна аёллар тилла узуги, бир донна зирак ва занжир далилий ашё сифатида ҳолислар иштирокчида ҳужжатлаштирилган.

"Сўнгги пушаймон – ўзингга душман", дейишди. Лекин, бу мақолнинг мохиятини англаб етмаган Д. Р. ўз жазосини, албатта, олади.

Телефон ўғриси қўлга тушди

Бўстонлиқ туманида яшовчи Э. С. аввал ҳам жиноий хатти-ҳаракатлари учун судланган эди. Бироқ, у қилмишларидан тўғри хулоса чиқармай, яна шу йўлга кирди.

Э. С. туманининг деҳқон бозори ҳудудида жойлашган ошхонада 1989 йилда туғилган фуқаро М. А.нинг бир миллион олти юз минг сўмлик қўл телефони олиб қочиб, ҳодиса жойидан яширинган.

Ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 166-моддаси 1-қисми билан иш қўзғатилди ҳамда Э.С.га нисбатан қонуний чора кўрилди.



"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Ирода НОҲОБОВА
тайёрлади

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

Икки нусхадаги муҳрланган конвертга солинган, танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган танлов таклифида қуйидагилар бўлиши керак:

- ишлаб чиқарилиши режалаштирилаётган маҳсулот номи, миқдори, тури ҳамда экспорт қилиш ҳажми;
- яратилаётган иш ўрни ҳамда кичик саноат зонасида ишлаб чиқариш бошлангач, қайта яратиладиган иш ўрни;
- режалаштирилаётган инвестиция лойиҳаси ҳажми;
- лойиҳани молиялаштириш тўғрисидаги маълумотлар, ўз маблағлари ҳисобидан, шунингдек, кредит ресурслари (тасдиқланган тармок жадвали);
- лойиҳани амалга ошириш режаси ва ишлаб чиқариш фаолиятини бошлаш мuddати;
- лойиҳани амалга ошириш учун электр энергияси, сув, газ таъминотлари ва бошқа коммунал хизматлар талаб этиладиган қуввати.

Тақдим этиладиган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Маълумот учун тел.:
(0-370) 645-28-46

Тақдим этиладиган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Маълумот учун тел.:
(0-370) 645-28-46

Эълон

"TASHKENT REALTOR SERVICE"

МЧЖ бошлангич баҳоси
босқичма-босқич ошиб
бориши шаклида ўткази-
ладиган очик аукцион
савдосига таклиф этади!

Савдога "PERFECT ENERGETIC" МЧЖ балансидаги Тошкент вилояти, Қибрай тумани, "Байтқўрғон" ҚФЙ ҳудудида 6,53 гектар ер майдонида жойлашган "Балиқ ҳовузлири" қўйилмоқда, бошлангич баҳоси – 20 125 000 сўм.

Очик аукцион савдоси 2018 йил 16 ноябрь кунин соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 13-уй, 2-қаватда бўлиб ўтади. Мазкур объект сотилмай қолган тақдирда тақририй аукцион савдолари 2018 йилнинг 3, 10, 17 декабрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган объектни жойига бориб кўрсатиш талабгор ҳисобидан Сотувчининг вакили томонидан амалга оширилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар "Закалат пули тўғрисидаги қелишув"ни имзолагандан сўнг объект бошлангич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖнинг "Ипак йўли" АИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиалидаги 2020800804876496001 ҳисоб рақамига, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808 тўлашлари лозим.

Шунингдек, Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (2-сон РХМС)га асосан талабгорларга кўчмас мук бозоридида ахборот ва маслаҳат хизмати кўрсатилади ҳамда энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдорида шартномалар тузилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:

- юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома;
- жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб, расмий иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 13-уйда қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади. Тақририй савдолар учун эса савдодан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади. Қўшимча маълумотларни realtorservice@mail.ru, 170-78-43 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган RR – №0008.

Тошкент вилояти касб-хунар таълими бошқармаси жамоаси бошқармада узоқ йиллар самарали меҳнат қилган

Карим НУРКУЛОВнинг

вафоти муносабати билан маърумининг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



Мавсум

Икки кунлик ёгин-сочиндан сўнг кўш заррин нурларини сочиб, осмон яна мовий рангини кўз-кўз қила бошлади. Бундан, айниқса, йил бўйи куч-ғайратини далага, пахтазорига бағишлаган миришкор деҳқонларимизнинг кўнгиллари ёришди. Ахир, юрт бойлиги бўлмиш "оқ олтин"ни йиғиб-териб олишга Яратганининг ўзи яна имкон берди. Она табиатнинг ганимат кунлари "Фурсатни бой берманглари!" дея огоҳлантираётгандек.

ОНА ТАБИАТНИНГ ЯНА БИР ИНЪОМИ

Шукри, вилоятимизнинг илгор фермерлари ва фахрийларининг Мурожаатига "лаббай" деб жавоб бераётган ташаббускор теримчилар оз эмас.

ризикимизни йиғиб-териб олишга оғринсак, инсофдан эмас-да. Гарчи, фахрийларимиз деб, бизни уринтиришни хоҳлашмаса-да, шукри, ҳали

шижоати билан туманимиз пахта хирмони сезиларли даражада юксалди.

— Биз Валихон ота фермер хўжалигида мавсум бошидан буён пахта тераямиз, — дейди Дилором Курбонова. — Фермер Сирожиiddин Валиев бошлиқ жамоанинг саъй-ҳаракатлари, заҳматли меҳнатлари билан етиштирилган пахталарга қараб, кўзинг қувнайди. Ҳавас билан иккинчи теримда ҳам кунига 50-60 килограммдан пахта тераямиз. Меҳнатимиз қадр топаётганидан, муносиб тақдирланаётганидан хурсандимиз. Терган пахтамизга ҳар кун ҳақ тўланапти. Шу пулларга фарзандларимизга кийим-кечак олиб бердик, рўзгоримизни бутлаямиз.

Маҳалла аёлларининг ғайрату шижоатига қойил қолмай илож йўқ, Нодира Алимова, Фотима ва Зухра Иброҳимова, Мунаввар Абдурахмонова каби чевар теримчилар шижоати кўпчиликка ибрат, десак арзийди. "Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик", деганлари шу аслида.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири



Улар ўрта Чирчик, Қуйи Чирчик, Юкори Чирчик, Чиноз, Пискент, Бўка, Оққўрғон, Янгийул туманлари далаларидаги мўл ҳосилни йиғиб-териб олишга астойдил бел боғлашган.

— Ҳозирги кунда эл-юрт қорига ярашни шараф деб билган ҳар бир вилоятдошимизнинг ўрни пахтазорда бўлиши керак, — дейди вилоят фахрий аёллар кенгаши раиси Индира Ҳалимова. — Ахир, тайёргина

куч-қувватимиз бор, ғайрат-шижоатда бошқалардан қолгимиз йўқ. Бу мавсум ҳам бир гуруҳ фахрий аёллар Бўка тумани фермерларига ёрдам беришга аҳд қилганмиз...

— Бўка туманидаги "Бўстон" маҳалласи аҳли ҳам миллий бойлигимизни нест-нобуд қилмай, йиғиб-териб олишда фидойилик кўрсатмоқда, — дейди маҳалла раиси Моҳира Сулаймонова. — Икки юздан зиёд ташаббускор теримчиларнинг

КИМ ЮТАДИ — ҲАРАКАТ ҚИЛГАН ЮТАДИ

Хирмон бошида бир тележка пахтани кўриб, кўнгли ёришган фермер иккинчи теримни бошлаб юборган теримчиларга: "Хорманглари" дея, суръатни сусайтирмасликни тайинлар экан, илғорларга совға борлигига шаъма қилди...



Ўрта чирчиқлик фермер Бунёд Абдуллаев "Кумарик" фермер хўжалигига бириктирилган 74 гектарлик экин майдонининг 33 гектариди пахта етиштирди.

Хўжаликнинг 44 нафар аъзосининг ўрни бугун пахтазорда. Санамхон Тўрақулова, Гулноза Бухорбоева каби илғор теримчилар биринчи теримда кунига 160-170 килограммдан "оқ олтин" териб, пахта хирмонининг юксалишига ўз ҳиссаларини қўшди.

"Ёшлар бор жойда суръат бўлади, эзгу ишларга журъат бўлади", деганларидек, хўжаликнинг "манама" деган ғайратли йигит-қизлари борки, теримда

уларнинг олдига тушадигани йўқ. Абдумалик Жиянов, Адхам Усмонов шулар жумласидандир.

Фермер хўжалиги аъзолари ўрта-сидаги соғлом рақобат ва дўстона муҳит ҳар қандай масалага ечим топишда қўл келади. Буни ғалла йиғим-терими вақтида 38

гектар майдоннинг ҳар гектаридан 74 центнердан ҳосил кўтарган фермер яхши билади. Қолаверса, 2 гектар ерга экилган сабзавотлар айна пишиб етилган.

— Хўжалик аъзолари билан кенгашиб, мева-сабзавотларни қуриштириш ва қадоқлаш корхонаси қуришга келишиб олдик, — дейди фермер. — Бунда банкдан оладиган кредит бизга дастмоя бўлади. Шунингдек, қорвачилликни ҳам йўлга қўйиш ниятимиз бор. Бунинг учун ҳозирданоқ ҳаракатни бошлаб юбордик.

Аллома АЗИЗОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Равшан МИРЗАҚУЛОВ
олган сурат



Инсон ақлий салоҳиятининг юксалишида китобнинг ўрни бекиёс. Зеро, китоб туфайли дунёқарашимиз бойиб, тафаккуримиз ўсиб бораверади.

ТАФАККУРНИНГ ТОЛМАС ҚАНОТИ

Не-не улуг зотлар китобга ошно бўлиб, етуқликка эришган, комил инсон даражасига етишганлар. Донишмандлардан бири: "Ўзимдаги барча яхши хислатлар учун китобдан бир умр миннатдорман", деган экан.

Дарҳақиқат, кўп китоб ўқиган кишининг билим савияси ўсиб, муомала маданияти юксалади. Бироқ, бугунги кунда китоб ўқишга бўлган эҳтиёж, айниқса, ёшлар орасида тобора камайиб бормоқда. Қанчадан-қанча китоблар жавон ва дўконларда шунчаки кўргазмага турибди. Бу жуда ачинарли.

Минг афсуски, китоб ўқиш ўрнига қимматли вақтини бекорчи, кўнглиларча ўйинларга сарфлаётган ёшлар ораимизда оз эмас.

Тўғри, биз шиддатли даврда яшаймиз, кундан-кунга техника тараққийлашиб бормоқда. Қўл телефонлари муҳаммаллашиб, интер



нет деганлари бутун дунени ўраб-чирмаб олган. Бунга ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Кўп бекорчи ёшлар интернетдаги кўнглиларча ўйинлар, танишувлар, онгни захарловчи сайтларга кириб, у ердаги маълумотларга "шўнғиб" кетмоқдалар. Бунинг оқибатида уларнинг дунёқарашини бир ёқлама бўлиб қолмоқда, "енгил ҳаёт" илосмандлари сафи ортиб бормоқда.

Мен тенгдошларимни атрофга теран кўз билан боқиб, интернетдан қочиб, китобга ошно бўлишга қаҳираман. Мана, юртимизда биз, ёшларга жуда катта, яна таъкидлайман — улкан имкониятлар яратилмоқда. Улар шунчалик кўпки, қайси бирини айтмай? Биргина "Ёш китобхон" танловини олинг. Китоб ўқиб — автомобиль ютиб олиш имконияти қачон бўлган?

Президентимиз бизларга яратиб бераётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўзимизни кўрсатиш дари келди. Буларнинг барчасига китоб ўқиб етишиш мумкин. Ахир, биз етти ёшида "Мантиқут-тайр" асарини ёд олган Алишер Навоий, олти мингдан зиёд ҳадисни ёд билган буюк муҳаддис Бухорий ҳазратларининг аждодларимиз-ку! Уларга муносиб бўлиш бизнинг бурчимиз. Зеро, китобдан яхши дўст ва маслакдош йўқ.

Атоқли адибимиз Ойбекнинг ўхшаши йўқ таърифи, китоб — тафаккурнинг толмас қаноти дидир.

Фаррух АШУРБЕКОВ,
Ангрен тиббиёт коллежи
II босқич ўқувчиси

Bolalik bog'i

HOSIL BAYRAMIDA

Пахта

Men paxtaman, paxtaman,
Oppogal deb maqtamang.
Hosilim mo' bo'lganda,
Meni terib to'xtamang.

Uzum

Men kuzning ko'zunchog'i,
Shoda-shoda tizilgan.
Meni ko'rib qushlarning,
Halovati buzilgan.

Tarvuz

Olachipor to'nim bor,
Zap yumaloq, semizman.
Yemaganlar armonda,
Qandunovvot tarvuzman.

Qovun

To kuzgacha asalga,
Qandunovvot boraman.
Og'ajon, tishlab ko'ring,
Tilingizni yoraman.

Anor

Qonga to'lib ketibsan,
Yoril, yoril, anorim.
Simirdim sharbatini,
Qolmasin deb g'uborim.

Oshqovog

Oshqovogman, oshqovog,
Qilmang menga qosh-qovog.
Ichim to'la asaldir,
Emasdirman bo'sh qovog.

Sabzi

Bizlar quyovon zotiga
Xo'b mazali oziqimiz.
Ammo elning tilida,
Hamon oltin qoziqimiz.

Makkajo'xori

Sochporugim yarashgan,
Jo'xoriman, jo'xori.
Tinmay mehnat qildingiz,
Hosil berdim yuqori.

Turp

Kasir-kusur haynaysiz,
Oshga kerak turpman.
Qachon meni uzar deb,
Sizga qarab turibman.

Ashurali BOYMUROD

Ўғилли бўлдим! У дунёга келганида улгуришим керак бўлган самолётлар ва тўлиниши керак бўлган тўлов қоғозлари билан банд эдим. Узоқларда эканман ўғлим юришни ўрганди, гапиришни ҳам. Бир оз катта бўлганида:

— Мен ҳам сизга ўхшамокчиман, дада, — дейдиган бўлди. Иш жойимга кўнғироқ қилиб: — Дада, уйга қачон келасиз? — деб сўради доим. — Қачон боришимни билмайман, ўғлим. Лекин борганимда биргаликда маза қилиб ўйнаймиз, — дер эдим. Йиллар мана шундай ўтиб кетди. Ўғлим ўн ёшга тўлди. Унга чиройли бир тўп олдим. — Копток учун раҳмат дада, — деди. — Энди бирга ўйнайлик...

— Шу ҳафта охирида тугатишим керак бўлган ишларим бор, — дедим. — Бугун бўлмайди, кейинги ҳафта, хўпми? — Майли, — деди хомуш юзидаги табассумини сўндирмай. — Катта бўлганимда, мен ҳам сиздай бўлишни истайман. Йиллар сув каби оқиб кетди.

Ўғлим аввал ўрта мактабни, кейин лицейни, сўнг эса университетни тугатди. Бундай вазиятда менинг ҳам бошқа оталарга ўхшаб ўғлимга ай-



тишим керак бўлган гапларим бор эди.

— Сен билан фахрланаман, ўғлим, — дедим. — Кел, шу ерда бир оз гаплашамиз.

У бошини қимирлатди ва табассум билан деди: — Дўстларим билан учрашаман, дада. Машинанинг қалитини бера

оласизми? Кейин кўришамиз, хўпми?

Яна йиллар ўтиб кетди. Нафақага чиқдим. Энди вақтим кўп эди. Ўғлим эса бошқа бир шаҳарда ишлаб, ўша ерда яшаётган эди. Бир кун унга телефон қилдим:

— Агар вақтинг бўлса, ҳафта охирида кўришайлик. Уйга кел, гаплашамиз, — дедим.

— Яхши бўлар эди, дада. Бир кўрай-чи, бўш бўлганимда бораман. Лекин, шу кунларда ишларим жуда кўп. Бироқ, сиз билан кўришишни мен ҳам хоҳлайман, дада.

— Унда қачон келасан, ўғлим? — Қачонлигини билмайман. Ҳозир бир учрашувим бор, шунга улгуришим керак. Сизга кейинроқ ўзим кўнғироқ қиламан.

Телефон гўшагини қўйганимда, унинг болалигини эсладим. Дарҳақиқат, ўғлим болаликдаги орзусига эришган эди. Отасидан ўрнак олиб, унга ўхшаганини, худди дадасидек бўлганини кўрдим...

«Ибратли ҳикоялар»
китоби асосида
тайёрланди

Туйғу

Ёзувчи ён дафтаридан

СЎЗ ҲАҚИДА СЎЗ

Сўз — қурол, мақсад эса кўнғил. Кўнғил ўртанмаса, эҳтиросларга тўлишмаса, сўзда таъсир бўлмайди. Айниқса, бир ғарибининг кўнғилини шод қиладиган сўз айтиш олтин хазинаси топишдан афзалроқдир. Чунки, бу асл инсонийлик гавҳарини улашишдир.

Қиличдан етган жароҳат тилдан етган жароҳатга қараганда енгилроқдир. Чунки қилич баданни, тил эса қалбни жароҳатлайди. Вужуд яхши таом билан жонланганидек, қалб ҳам яхши сўзлардан ором олади.

Тоҳир МАЛИК



Мени ўйлагин...

Баҳор тунларида мени ўйлагин,
Ва ёз кечасида мени ўйлагин,
Ҳам куз кечасида мени ўйлагин,
Аёз кечасида мени ўйлагин...
Бошқа жойда бўлай, ёнингда эмас,
Узоқ ўлкада деб қилсанг ҳам фарз,
Ўралиб узун, нам чойшабга бирпас
Денгизда ётгандай чалқанча бесас,
Ихтиёриг бериб тўлқинларга, бас,
Хилватда мен билан дам ол бир нафас.
Истамам ўйлашим мени кундуз кун,
Кундуз барин қилсин остину устин,
Тутунга ўрасин, майда чайқатсин,
Бошқа нарсаларни сенга ўйлатсин,
Нимани хоҳласанг ўйла кундуз кун,

Мени ўйлашингга қолсин фақат тун.
Эшитгин паровоз ҳуштаги аро,
Булутларни қувган шамол ичра ё,
Ночор қолганимда зарурлигинг, о.
Тўрт девор ичида ўтириб танҳо —
Бахт, ғуссадан юзинг бузмайтиб гоҳо
Чаккаларинг қисгин оғригунча то.
Илтижо қиламан — жимжитлик аро,
Ёмғирлар шовуллаб турганида ё,
Ё қор қуянига боққан чоғингда,
Тушлар кўрагингда, уйқоқлигингда —
Баҳор тунларида мени ўйлагин,
Ва ёз кечасида мени ўйлагин,
Ҳам куз кечасида мени ўйлагин,
Аёз кечасида мени ўйлагин.

Масруф ЖАЛИЛ таржимаси

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ



Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 20 октябрь кунини Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2-4, кундузи 15-17 даража илқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2-7, кундузи 12-17 даража илқ бўлади. Республикаимизнинг тоғли худудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 5-10 даража илқ бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир

Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг
чоршанба ва
шанба кунлари
чиқади.

11 279 нусхада
чоғ етилди

Қабулхона:

Бош муҳаррир ўринбосари:

Масъул котиб:

Бўлим муҳаррирлари

Шартнома ва эълонлар:

Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

71 233-64-95, 71 233-58-85 (факс)

71 233-70-10

71 233-55-38

71 233-38-23, 71 233-48-08

71 233-65-59

71 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011
йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер
марказида терилди ва
оператор Т. Маҳмуджонов
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА

Навбатчи

Сайёра РИХСИЕВА

Назоратчи мусахҳиҳ

Аллома АЗИЗОВА